
Огоҳлантириш: Таъмирлаш ишлари сабабли бугун, 13 октябр куни Яйпан ГРС ва Бегобод маҳалласи истеъмолчилари газ таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади!

“Фарғона” магистрал газ қувурлари бошқармасининг тегишли хабарномасига асосан, Яйпан АГРСи ва Ворух ГРСларида торайтириш мосламаси (шайба) алмаштирилиши муносабати билан **бугун, 2022 йил 13 октябр, пайшанба куни** аҳоли хонадонлари ва улгуржи истеъмолчиларга маълум муддатга табиий газ бериш вақтинча тўхтатилади.

Хусусан, Яйпан ГРС дан фойдаланувчи маҳаллалар ва Ворух ГРС дан фойдаланувчи Бегобод маҳалласи табиий газ истеъмолчилари таъминотида **бугун соат 12:00 дан 17:00 га қадар** вақтинчалик узилиш бўлади.

Хурматли истеъмолчилар! Огоҳ бўлиб, газни ўчириш ва ёқишда табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишингизни эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

“Худудгаз Фарғона” ГТФ “Ўзбекистонтумангаз” бўлими

Мурожаат учун телефон: ☎104, (73) 539-19-46

2022-10-13 08:36:22